O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 14 MART ◆ PAYSHANBA ◆ №31 (26.890)

Вашингтон. 12 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

12 март куни Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазият, хавфсизлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОРЖ БУШ БИЛАН УЧРАШУВИ

Оқ уй раҳбари АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш тарафдори эканини таъкидлади. Хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка қарши кураш, иқтисодиётни юксалтириш, эркин демократик жамият барпо этиш жараёнида АҚШ билан шерикликни кучайтириш Ўзбекистон учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Очиқлик, ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтган ушбу мулоқот чоғида президентлар икки томонлама алоқалар ва умуман, халқаро аҳамиятга молик ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Президент Ислом Каримов шу куни АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман ва бошқа расмий кишилар билан ҳам учрашди.

Музокаралар якунида томонлар ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битимларга имзо чекди. Колин Пауэлл мазкур ҳужжатлар томонларнинг мустаҳкам ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга интилишидан далолат эканини таъкидлади.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида ядро тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳам қабул қилинди. АҚШ Эксимбанки Ўзбекистонга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 55 миллион доллар ажратадиган бўлди.

Қабул қилинган ҳужжатлар орасида, айниқса, Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ўзаро муносабатларимизда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳужжат давлатларимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек, ҳуқуқ ва хавфсизлик соҳаларида алоқаларни кучайтириш тарафдори эканини билдиради.

Президент Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

Вашингтон. 13 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Блэйр хаус» қароргоҳида АҚШнинг етакчи газета ва журналлари муҳаррирлари билан учрашди. Унда Марказий Осиёдаги вазият, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва АҚШ билан ҳамкорликка оид мавзуларда сўз борди. Президентимиз америкалик журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ислом Каримов Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон билан учрашди. Мулоқот чоғида банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этишда ушбу муассасанинг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шундан кейин Ислом Каримов АҚШ Конгрессига келди. Аввал Вакиллар палатаси, кейин Сенат вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда АҚШ парламенти вакиллари Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Америкалик қонунчилар АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари фаол, кўп қиррали ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши лозимлигини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва парламентлараро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд билан учрашди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар терроризм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишни янада кучайтиришга келишиб олди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи давом этмоқда.

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЮНЕСКО МУКОФОТИ СОҲИБИ

Жаҳоннинг кўҳна шаҳарларидан бири — Бухоро ЮНЕСКОнинг «Шаҳарлар тинчлик учун» мукофоти лауреати бўлди. Ушбу мукофот маданий мулоқот ривожига содиқлик ва унга улкан ҳисса қўшгани учун икки йилда бир марта берилади. 76 номзод мамлакат ичидан бешта шаҳар танлов ғолиблигини қўлга киритди. Бу ҳақда ЮНЕСКОнинг Бош директори К.Мацуура маълум қилди.

«Шаҳарлар тинчлик учун» мукофоти ЮНЕСКО томонидан шаҳарсозликни ривожлантириш, шаҳар шароитида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, таълим тизимини тараққий эттириш йўлида инфратузилмалар яратиш мақсадида 1996 йили таъсис этилган эди.

Ғолиб шаҳарлар Африка, Араб мамлакатлари, Осиё-Тинч океани минтақаси, Европа ва Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари сингари минтақавий ҳайъат тавсиясига мувофиқ ЮНЕСКО Бош директори томонидан эълон қилинади.

Ҳар бир минтақавий ҳайъат аъзолиги таркибига бутун дунёга машҳур маданият, илм-фан ва сиёсат арбоблари киритилади.

Ғолибга сертификат ҳамда 25 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот тақдим этилади.

Шу пайтга қадар Осиё ва Тинч океани мамлакатларидан Олонгапо (Филиппин, 1996-97 йиллар) ҳамда Ханой (Вьетнам 1998-99 йиллар) шаҳарлари ушбу мукофот совриндори бўлган.

■ «Жаҳон» АА

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ТИНЧЛИККА ЧАҚИРУВ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафотни зўравонлик авж олишига йўл қўймасликка чақирди. У Хавфсизлик Кенгашининг очиқ мажлисида сўзга чиқиб, Исроил ва Фаластин раҳбарларига «сизларни халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватламоқда, бундай имкониятдан фойдаланиш зарур», деди.

Ушбу ҳудудида вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Хабарларга кўра, кеча Исроил аскарлари томонидан 33 нафар фаластинлик ўлдирилган. Улар орасида икки нафар бола ва аёллар ҳам бор. Шунингдек, юздан ортиқ киши, жумладан, йигирмадан ортиқ бола жароҳатланган. Шунингдек, исроиллик ҳарбийлар фаластинликлардан 250 кишини ҳибсга олган.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Афғонистоннинг муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай Россияга ташрифидан кейин Германияга боради. У Берлинда Германия ҳукумати вакиллари билан учрашиб, Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш, Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш масаласини муҳокама этади.

ЯНА БИР ВОСИТАЧИЛИК

Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана яна бир воситачилик иши билан Югославия пойтахти Белградга келди. У Белградда мўлжалланаётган Югославия республикаси, Сербия ва Черногория раҳбарларининг ўзаро учрашувида иштирок этади. Учрашувда Югославиянинг келгуси тақдири билан боғлиқ масала кўрилади.

БОШ ВАЗИР МОСКВАГА КЕЛАДИ

Малайзия бош вазири Махатхир Муҳаммад расмий ташриф билан Москвага келмоқчи. Ташриф давомида у икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этади. Шунингдек, малайзиялик меҳмон Россия раҳбарияти билан халқаро муаммолар ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги вазият хусусида ҳам фикр алмашади.

РАДИОАКТИВ МАТЕРИАЛЛАР ЁНҒИНИ

Куни кеча Японияннинг Нобеока шаҳридаги фабрикаларнинг бирида ёнғин содир бўлганди. Ёнғин ҳали бутунлай ўчирилгани йўқ. Офатни бартараф қилишда мамлакат пиёда қўшинларининг кимёвий мудофаа қисмлари ҳам иштирок этмоқда. Чунки, мазкур фабрикада радиоактив материаллардан ҳам фойдаланилади.

ТАКЛИФНИ РАД ЭТДИ

Афғонистоннинг Пактия вилоятида «Толибон» ва «Ал-Қаоида» жангариларини тугатиш бўйича «Анаконда» операцияси якунланиш арафасида. Куни кеча АҚШнинг Афғонистондаги қўшинлари қўмондонлиги афғонистонлик дала командирларининг вақтинчалик ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги таклифини рад этди. Ушбу таклифга амал қилинганда, «Толибон» ва «Ал-Қаида» жангарилари асирга тушиши ёки жанг майдонини ташлаб кетиши мумкин эди. Бироқ, Пентагоннинг расмий вакили Дэйв Лапэннинг таъкидлашича, ҳарбий ҳаракатлар қандайдир келишувлар учун тўхтатилмайди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР ИЗИДАН

Биз ўтмишнинг шафқатсиз синовларига бардош берган халқмиз. Босқину хатарларда ёвга бош эгмаган боболаримизнинг бунёдкорликлари, тиклаган иморатлари, яратган буюк тадқиқотлари, чизилган суратлар, асос солинган салтанатлар бутун жаҳонни асрлар давомида лол қолдирган. Тарих тақозоси билан мамлакатимиздан жуда кўп маданий ёдгорликлар олиб кетилган, шафқатсизларча таланган, топталган. Бугун улар хорижий мамлакатлардаги маҳобатли музейларни безаб турибди. Президентимиз ўзбек халқи тарихига дахлдор бўлган бу бойликларни юртимизга қайтариш мавриди келганлиги ҳақида гапирган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Ўзбекистондан четга олиб кетилган архив ҳужжатларини қайтариб келиш бўйича махсус комиссия тузилган. Мана шу нуфузли комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳисоботда айтилганидек, ўтган йилнинг ноябрь ойида комиссия вакиллари Россия Федерациясида хизмат сафарида бўлишган. У ердаги Россия фоно давлат архивида ўзбек халқига тегишли бўлган қарийб 2700 овозли ҳужжатлар сақланаётгани аниқланди. Уларнинг жуда катта қисми, яъни 2600 таси тарихий аҳамиятга эга бўлган янгиликдир. Унинг уч юзга яқини жуда ноёб ҳисобланади. Улар XX асрнинг биринчи ва иккинчи ўн йилликларига тегишлидир.

Комиссия вакилларининг аниқлашича, Красногорск шаҳридаги Россия кино ҳужжатлар давлат архивидан топилган 620 дан ортиқ кино ва фото ҳужжатларнинг 218 таси янги топилмалардир. Соҳа мутахассислари уларнинг 204 тасини мамлакатимизга қайтариб олиб келиш лозим, деб ҳисобламоқдалар. Уларда ўтган асрнинг 30-йиллари ва ундан кейинги даврлар ўз аксини топган. Бундан ташқари, халқимизнинг ўтмиш ҳаёти, маънавиятини акс эттирувчи 1300 дан ортиқ фото суратлар ҳам мавжуд. Қизиғи шундаки, давлат архивлардан ташқари шахсий архивларда анчагина суратлар борлиги аниқланди. Улар ягона нусхада бўлиб, ўша иш муаллифининг шахсий бойлиги ҳисобланади. Бугун буларни юртимизга олиб келиш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

Йиғилганлар эътиборига яна бир қимматли маълумот ҳавола этилди. Буюк мусаввир бобомиз Камолиддин Беҳзоднинг 50 дан зиёд асарлари Лондон ва Санкт-Петербург шаҳарларида сақланаётган экан. Улардан нусхалар олиш йўлида музокаралар юритиш зарурлиги ҳақида ҳам гапирилди. Бу иш буюк мусаввирнинг 2005 йилда ўтказилиши мулжалланаётган 550 йиллик юбилейига муносиб совғамиз булар эди. Бундан ташқари, Англия ва Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига тегишли ҳужжатларни ўрганиш учун комиссия вакилларидан бир гуруҳини хизмат сафарига юборишга келишиб олинди.

Йиғилганларнинг таклифларига кўра махсус комиссиянинг бюллетенини нашр этиш, унда комиссия томонидан аниқланган маълумотлар, топилган ҳужжатлар рўйхати мунтазам эълон қилиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Унинг илк сони истиқлолимизнинг 11 йиллиги арафасида нашр этилади.

Мозий сабоқлари шуни кўрсатдики, ўтмишимизга бефарқ қараб бўлмайди. Қайсики халқ ўз тарихий илдизларини изламаса, унинг келажаги ёруғ эмас. Биз эса ўз тарихимизни қадрлаймиз.

■ Фарруҳ ҲАМРОЕВ

БИР ДОНА ГУГУРТ ЧЎПИ

ЁКИ 5 МИЛЛИАРД КУБ МЕТР ГАЗ... УМУМАН, ТАБИИЙ БОЙЛИГИМИЗ ХУСУСИДА

- ☑ **Республика бўйича бугунги кунда 3 миллион 675 минг хонадонга табиий газ кириб борган. Шундан 240 минг 832 хонадонга газ ўлчагич мосламаси ўрнатилган. Бу эса 6,6 фоизни ташкил қилади.**
- ☑ **«Бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланилаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди...»**
- ☑ **Мамлакат уй-жой секторида газдан фойдаланиш ҳолати хорижий экспертлар иштирокида ўрганилганда чет элларда газлаштирилган шунча уй ва хонадонларда жон бошига Ўзбекистондагига нисбатан уч баробардан зиёд кам газ сарфланаётганлиги аниқланди.**
- ☑ **Газ ўлчагич мосламалари ўрнатилса, миллиардлаб куб метр газ тежалиши мумкин.**

Келажак авлодлар ҳаётининг ёрқин бўлиши учун қайғурадиган миллат ўз бойликларини тежаб-тергайди. Халқимизнинг ўзига хос фазилатлари бор: умр бўйи йиққанини фарзандларининг тўйига, яхши кунларга ишлатишни хоҳлайди. Игна топса ҳам сандиқнинг ичига ташлаб қўяди. Қизига сеп йиғади, ўғлининг тўйига сарф қилиш учун тоғанини авайлаб- асрайди. Бундай қараганда, бугунни эмас, эртасини ўйлайдиган халқимизнинг болажонлиги, авлодпарварлиги жуда яхши хислат.

Она заминимиз бағри беҳисоб бойликларга тўла. Буни бир қараганда қўли очиқ, сахий халқимизга Оллоҳ берган инъом сифатида тушунмоқ ҳам мумкин.

Тараққиётнинг ўқ томирларидан бири табиий газ деб билсак, бу беҳисоб бойлигимизни бугунги бозор иқтисодиёти шароити, умумдунёвий цивилизация ўлчамларидан келиб чиқиб исроф қилаётганлигимиз, ҳавога совураётганимизни ҳаммамиз ҳам сезаяпмизми? Табиий газ барча давлатларда бўлгани каби бизнинг иқтисодиётимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 56,4 миллиард куб метр табиий газ қазиб олинмоқда. Ушбу миқдордаги газ ҳажми халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари учун бемалол етиши ва унинг бир қисмини хорижга экспорт этиш аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Газ миқдорининг 32 фоизи аҳолининг коммунал маиший эҳтиёжларига ишлатилмоқда. Яъни, 17 миллиард кубметр атрофидаги табиий газ истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Энди шу ўринда биз, истеъмолчиларнинг уйимизга кириб келаётган зангори оловга нисбатан муносабатимиз хусусида. Кўпчилигимизга таниш бўлган манзарани кўз олдимизга келтирайлик; Кунлар совий бошлаган кезлар, хонадонларимизга ҳали иссиқлик берилмаган паллада табиийки, кўпчилигимиз газни ёқиб қўйиб, уйни иситишга одатланганмиз.

(Давоми 2-бетда)

БИР ДОНА ГУГУРТ ЧЎПИ

ЁКИ 5 МИЛЛИАРД КУБ МЕТР ГАЗ... УМУМАН, ТАБИИЙ БОЙЛИГИМИЗ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу нотўғри, ҳатто ҳаётимиз учун хавфли эканлигини яхши биламизу, газни исроф қилаётганлигимиз, у бизнинг миллий бойлигимиз даражасидаги ноёб маҳсулотлигини унутиб қўямиз. Чунки, бу бойликни қанчалик ишлатганимиз билан бизнинг чўнтагимиз гўё зарар кўрмайдигандек... Нега деганда, газ «қулоғини» бураймиз, қарабсизки, газ плитасида зангори олов пайдо бўлади. Шундай пайтда, бу олов (бойлик) қаердан келаётганлигини хаёлга келтирмаймиз. Бизнинг ўз мулкимизга нисбатан муносабатимиз, ана шу бефарқлигимиз оқибатида мамлакат иқтисодиётига зарар етказишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Агар ҳар қайсимизнинг фикримизда ана шундай лоқайд ва бепарволик тушунчалари шакилланиб бораверса, билингки, биз ўз тараққиётимиз йўлига тўсиқ қўя бошлаймиз. Иқтисодий тараққиёт миллатнинг миллий онги ўсиши, шаклланиши билан ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Яна бир оддий мисол: айримларимиз 1 дона гугурт чўпини иқтисод қилиш учун ҳам газ плитасини ёқиб қўямиз. Негаки, ўша гугурт қутисини сотиб олишга чўнтагимиздан кетган пулга жонимиз ачишади. Қувурлардан оқиб келаётган беминнат бойлигимизга эса давлатники, деб қараймиз. Чунки, меъёрдагидан кўп газ ёққанимиз билан бизни ҳеч ким текширмайди, ҳеч ким ҳақ олмайди. Бугунги кунда ана шундай қараш мавжуд бўлганлиги учун ҳам республикамизда аҳоли ўртасида табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан 1,5-2 баробар ортиқ. Хонадонлар газдан қанча кўп фойдалансалар-да, бунинг учун бир хил ҳақ тўламоқдалар. Соҳа мутахассислари буни жиддий ўйлаб кўришлари керак. Гапнинг очиғи, биз магазиндан сотиб олишни истамаган ўша гугурт қутисида ёнмасдан қолган, биз тежаган бир дона гугурт чўпи учун газнинг ёниқ туриши эвазига давлатимизнинг миллион-миллион сўмлик маблағлари кўкка совурилаётганини айтиб ўтишимиз лозим. Агар бир соат мобайнида 4 комфоркали газ натижасида 1,2 м³ газ ёнишини тасаввур қилсак, биз, иқтисод қилмоқчи бўлган ўша битта комфоркадаги газнинг уззукун ёниб туришида кетган сарф-харажат, яъни беҳуда ёнган табиий газ миқдори республикамиздаги барча хонадонларнинг тенг ярми миқёсида ҳисоблаганда ҳам давлатимизга нисбатан қанчалик моддий зарар етказилаётганлигини билиб олишимиз қийин эмас. Бу исрофгарчиликнинг бош сабаби, юқорида айтганимиздек, давлат мулкига нисбатан ўта шафқатсизларча, айтиш жоизки, хиёнаткорона муносабатда бўлаётганимизда эмасми? Яна бир муҳим жиҳати, газдан қонунсиз равишда фойдаланишда уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш ишлари ўлда-жўлда эканлигидир.

1999 йилнинг 1 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жойларни сув ва газ ўлчагич ускуналари билан жиҳозлаш ва уларни республикада ишлаб чиқариш тўғрисида»ги қарори чиққан эди. Бу муҳим ҳужжатда республикамизда газ тежамкорлигини амалга оширишнинг муҳим чораси сифатида уй-жойларга газ ўлчагичлар ўрнатиш асосий масала эканлиги кўрсатиб ўтилган эди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган йирик ташкилотлар ва қўшма корхоналар ушбу ускуналарни ишлаб чиқиши назарда тутилган эди. 1999 йилда «Оникс» акциядорлик жамияти ассоциацияси 25 мингта, 2000 йилда 75 мингта, 2001 йилга келиб 100 мингта газ ўлчагич мосламаси ишлаб чиқариши керак эди. Афсуски, 2002 йил 1 февралгача бу ташкилот бир дона ҳам газ ўлчагич мосламаси ишлаб чиқармади. «СМГ-Оникс» ўзбек-Италия қўшма корхонаси, «Алтромарк» ўзбек-Австрия қўшма корхонаси, «Алдемгаз» қўшма корхонаси, «Нам-Точ» ўзбек-Россия қўшма корхонаси, «Сувжиҳозгаз» ўзбек-Хитой қўшма корхонаси ҳам бу борада қониқарсиз фаолият кўрсатди. Тўғри, бу ўринда бошқаларга нисбатан «Сувжиҳозгаз» ўзбек-Хитой қўшма корхонасида ишлар анча яхши томонга силжиянти. Корхона раҳбариятининг таъкидлашича, бу йил мўлжалдаги 100000 дона газ ўлчагич мосламаси ишлаб чиқаришга имконият яратиляпти. Биз юқорида номини келтирган қўшма корхоналар ҳамда ташкилот 1999 йилда 149 минг дона махсус ўлчагич ускуна ишлаб чиқариши лозим эди. Бироқ, бу кўрсаткич атиги 20 минг 300 донани ташкил қилди. 2001 йилда эса 534 минг дона газ ўлчагич ишлаб чиқариш ўрнига улар 15 минг 800 дона билан чекландилар, холос. Шундай бўлгач, газдан бўлар-бўлмас фойдаланиш ва унинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири бўлган газ ўлчагичлар билан хонадонларимизни таъминлашда муаммоларга дуч келинди. Албатта, бу фактлар тегишли мутасаддилардан аниқ жавоб ва изоҳларни талаб қилади. Тўғри, бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф, истеъмолчи имконияти инобатга олинади.

Газ ўлчагич мосламалари республика бўйича атиги 6,6 фоизни ташкил қилади.

Энди вилоятларимизда уй-жой фондининг газ ўлчагичлар билан шу кунгача қай даражада таъминланганига эътибор қаратайлик. Республика бўйича бугунги кунда 3 миллион 675 минг хонадонга табиий газ кириб борган. Шундан 240 минг 832 та хонадонга газ ўлчагич мосламаси ўрнатилган. Бу эса 6,6 фоизни ташкил қилади. Сирдарё вилоятида 103 минг 834 хонадоннинг 2 минг 120 таси, яъни 2 фоизгинаси газ ўлчагич асбоблари билан таъминланган. Энди Сурхондарё вилоятига қарайдиган бўлсак, 160 минг 422 хонадоннинг 4 минг 267 таси ёки 2,7 фоизида газ ўлчагич асбоблари мавжуд. Қашқадарё вилоятида эса 214 минг 395 хонадон табиий газдан фойдаланади. Шундан 4 минг 700 уйга газ ўлчагич ускуналари ўрнатилган. Бу рақамларни бошқа вилоятлар миқёсида ҳам келтиришимиз мумкин. Демак, юртимиз бойлигига нисбатан нафақат фуқаролар, балки мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам мана шундай совуққонлик билан муносабатда бўлаётир. Масаланинг моҳиятини англаб етиш борасида «Бухорогазтаъминот» шўъба корхонасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтишимиз керак. Корхона бош муҳандиси Аҳад Ҳайдаровнинг айтишича, ҳозирги кунда вилоятда махсус дастур ишлаб чиқилди. Биринчи галда Бухородаги раҳбарлар ўз уйларига газ улагич мосламасини ўрнатишмоқда. Бу бошқаларга ўрнак бўларли ҳол, албатта. Шундай қилиб бу йил Бухорода хонадонларнинг 50 % ушбу мослама билан таъминланар экан.

Мосламанинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчимиз. «Бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланилаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди...», дея таъкидлаган эди Президентимиз шу йилнинг 14 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва ижтимоий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида. Олинган маълумотларга кўра, табиий газнинг тўртдан бир қисми бевосита электр станцияларига сарфланар экан. Бу масала нафақат ҳозир балки, Юртбошимиз бундан 2 йил олдин энергетика тизимида ишлаб турган қувватларни ривожлантириш ва таъмирлаш истиқболларига бағишланган йиғинда қуюниб шундай деган эди: **«Мамлакатимизда аксарият ГРЭСлар ҳозир газ билан ишламоқда. Албатта, газ арзон, уни ёқиш ҳам осон. Лекин нафақат бизнинг, балки келажак авлодларнинг ҳам насибаси қўшилган бундай ер ости бойликларини бу йўсинда ҳавога совуриб юборишни жиноят деб биламан. Газ ва нефть ўта қимматбаҳо технологик хомашё, кейинчалик ўрни қопланмайдиган бойликдир. Табиат ато этган бундай бебаҳо неъматларни келажак авлодлар учун ҳам асрашимиз даркор».** Ўша пайтдаёқ, яъни 2000 йил 21 сентябрда бўлиб ўтган мазкур йиғинда мамлакатимиз раҳбари масалани кескин қўйиб, бундан буён газ қазиб чиқаришни муттасил кўпайтириш йўлидан эмас, балки аксинча ундан фойдаланишни тартибга солиш, тежамкорлик йўлидан боришимизни кўрсатиб ўтганди. Тўғриси, ер ости бойликлари чексиз-чегарасиз эмас, ҳаммасининг ўз ҳисоб-китоби бор. Келажак авлодларни ҳам улардан баҳраманд этиш учун ҳар биримиз ўйлаб иш қилишимиз, шу мамлакат, шу жамиятнинг бойлиги менинг бойлигим, менинг келажагим пойдеворидир, деб қарашимиз лозим.

Мамлакат уй-жой фондида газдан фойдаланиш ҳолати хорижий экспертлар иштирокида ўрганилганда, чет элларда газлаштирилган шунча уй ва хонадонларда жон бошига Ўзбекистондагига нисбатан уч баробардан зиёд кам газ сарфланаётганлиги аниқланди.

Демак, уй-жой фондида газдан фойдаланишни тартибга солишнинг бирдан-бир йўли газ сарфини ҳисобга оладиган мосламаларнинг ўрнатилишидир. Шубҳасиз, ўрнатилган ҳисоблагич газ сарфини камайтира олмайди, балки у истеъмолчини пули «чақиб» турган газдан тежамли фойдаланишга ундайди, яъни истеъмолчи газни камроқ ёқишга, беҳуда ёниб турган ускуналарни ўчириб қўйишга ҳаракат қилади.

Дастлабки, ҳисоб-китоблар ва экспертларнинг баҳосига кўра, уй-жой фондини газ сарфи ҳисобини оладиган ускуналар билан таъминлаш ва ундан фойдаланишни тартибга солишнинг оддий тадбирларини амалга ошириш аҳоли истеъмолига бирор-бир зарар етказмаган ҳолда Ўзбекистонда газ сарфини 30 фоиз атрофида камайтириш имкони борлигини кўрсатди. Агар буни рақам билан айтадиган бўлсак, «Ўзбекнефтгаз» МХК матбуот маркази раҳбари Собир Салимовдан олинган маълумотга кўра, уй-жой секторининг газ сарфи ускуналари билан тўла-тўкис таъминланиши газ сарфини 5 миллиард куб метрдан кам бўлмаган миқдорда иқтисод қилиш имконини беради.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
республикада хизмат кўрсатган журналист

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси минтақавий кенгашларидан олинаётган ахборотларида Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбирлар, партия депутатлар гуруҳлари фаолиятига оид маълумотлар ҳамда партия тузилмаларининг давлат идоралари, корхона, хўжаликлар маъмурияти ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги хабарлар кенг ўрин олган.

АЁЛ — ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

ХДП **Қарши туман кенгаши** томонидан ўтказилган байрамона тадбир ана шу шиор остида бўлиб ўтди. Унга туманда истиқомат қилаётган фидойи, оқила, меҳрибон, мунис онахонлар ташриф буюришди. Кечада иштирок этган 104 ёшли Турсун момо Қаршиева, 91 ёшли Зиёда момо Бозорова, 88 баҳорни қаршилаган Омонгул момо Иброҳимовалар эркин, мазмунли ва бахтли ҳаёт кечираётганликлари тўғрисида ҳаяжонланиб гапирдилар.

ХДП **Наманган туман кенгаши** «Аёл борки — олам мунаввар» мавзуида, байрам кечасини ташкил этди. Ушбу кечада аёл қалби, гўзаллик билан йўғрилган баҳор, миллий анъаналар ва аёл бахти мавзулари кенг ўрин олди. Ёшлик жўшқинлиги, кексаларнинг ҳаёт мазмуни тўғрисидаги хулосалари билан уйғунлашган тадбирдан иштирокчилар катта таассурот олдилар.

ХДП **Асака шаҳар кенгаши** ижодкор, тадбиркор, жамоатчи, олима, шифокор, ўқитувчи, депутат аёлларни «Миллат келажаги — оналар қўлида» мавзуидаги «давра суҳбати»га таклиф этди.

Қарияларни қадрлаш, аёлларни эъзозлаш, миллий урф-одатларни тарғибот қилишга бағишланган тадбирлар партия **Чортоқ туман кенгашининг** март ойидаги фаолиятига асос бўлмоқда. Шу кунларда туман кенгаши партия ва меҳнат фахрийси бўлган онахонлар ҳамда етакчи аёлларни «Аёл — ҳаёт чироғи» мавзуидаги «давра суҳбати»га таклиф қилди. Унинг давомида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, куч-қудрати тобора мустаҳкамланиб боришида фидокорона меҳнат қилаётган аёлларнинг ҳиссаси тўғрисида сўз юритилди.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ХДП **Андижон шаҳар кенгаши** тез ёрдам илмий маркази бошланғич партия ташкилотида байрам тадбирини уюштирди. Уни ХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Б. Маткаримов очди. Бугунги кунда аёллар мамлакатимизни янада равнақ топтириш йўлида, иқтисодиётимизнинг барча — таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларида жонбозлик кўрсатаётганликлари, уларнинг ижтимоий сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Тадбирда бир гуруҳ партия фаолларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали кеча, учрашув, мулоқот, «давра суҳбатлари», шунингдек, Акмал Икромов, Бектемир, Миробод, Ҳамза, Балиқчи, Бўз, Асака, Булоқбоши, Марҳамат, Пахтаобод, Шаҳрихон ва бошқа туман кенгашлари томонидан ҳам ташкил этилди.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

Олий Мажлис депутати Тоҳир Бахронов элга манзур ишларни қилмоқда. Депутат фуқароларни мунтазам қабул қилиб, уларнинг истак ва шикоятларини тингламоқда, зарурат туғилганда, тегишли идора ва ташкилотларга мурожаат қилиб, ўз сайловчиларига амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмунмоҳиятини тушунтириш, кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини амалга оширмоқда. Депутат ўз сайловчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига ҳам кўмаклашмоқда. Яқинда унинг саъй-ҳаракатлари билан туман шифохоналарида даволанаётган кексаю ёшлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

Тўрақўрғонда ХДПдан сайланган депутатлар фаолияти эътибор топмоқда. Туман партия кенгашида бўлиб ўтган депутатлар гуруҳининг йиғилишида депутатлик қабулхоналарининг фаолияти, партия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш амалиёти, фуқароларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш каби масалалар юзасидан депутатлар маслаҳатлашдилар. Йиғилишда халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати, «Ширинлик» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Б.Абдуғаниевнинг ахбороти тингланди.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Партия **Наманган туман кенгашининг** пленумида кенгаш аъзолари, партия фаоллари ҳамда туман жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Партия ташкилот-

---

спорт

«УНИВЕРСИАДА-2002»: ҲАМ ТАРАДДУД, ҲАМ МАШҚ

Мамлакат талабаларининг бу галги мусобақаси аввалгисидан нимаси билан фарқ қилади? Универсиада ташкилий қўмитаси аъзоси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Раҳим Ҳайдарзода шундай дейди:

— Иккита янгиликни таъкидлашим жоиз. Биринчиси, олдингисидан фарқли ўлароқ, Бухорога хорижлик спортчи талабалар ҳам таклиф этилган. Иккинчи жиҳати шуки, Наманганда бўлиб ўтган мусобақаларда талаба-ёшлар спортнинг 9 тури бўйича беллашган эдилар. Бухорода эса қўл тўпи, сузиш, дзюдо турлари бўйича ҳам баҳслар ўтказилади.

Спорт байрамининг очилиши ва ёпилиш тантаналари, енгил атлетика мусобақалари замонавий услубда қад ростлаётган «Бухоро» ўйингоҳида ўтади. Қўл тўпи, сузиш мусобақалари эса «Семург» спорт мажмуи, футбол мусобақалари Ромитан, Бухоро ва бошқа туманлар ўйингоҳларида бўлади. Шунингдек, «Хумо», «Ёшлик», «Умид» спорт мажмуи, Ибн Сино номидаги маданият саройи Универсиада иштирокчилари ихтиёрида бўлади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Бухоро шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Халқ банки вилоят бошқармаси ташаббуси билан «Универсиада» хайрия пул-буюм лотереяси ҳам чиқарилди. Ундан тушган фойданинг тўқсон фоизи универсиада иншоотларини таъмирлаш, атрофини ободонлаштиришга сарфланади. Совринлар эса салмоқли: 10 та «Тико», ДЭУ телевизори ва видеомагнитафонлар, спорт либослари, пул ютуқлари.

Хуллас, Универсиада ташкилий қўмитаси спорт анжуманининг ҳақиқий байрамга айланиши учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Шу йилнинг 5-10 март кунлари Боку шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида Анвар Чаудри хотирасига бағишланган анъанавий VI халқаро турнир бўлиб ўтди. Дунёнинг 21 мамлакатидан 113 нафар «чарм қўлқоп» усталари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашди.

71 кг. вазн тоифасида рингга чиққан сирдарёлик М.Абдурахмонов олтин, жиззахлик Ж.Сувонқулов (57 кг.) кумуш ҳамда навойлик И.Сероглазов (60 кг.), пойтахт вилояти вакили И.Бердиев (81 кг.)лар бронза медаллари соҳиби бўлдилар.

Шунингдек, Россиянинг Волгоград шаҳрида якунланган халқаро турнирда мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этишди. Тўққиз жамоа қатнашган мусобақада спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалладилар. Ушбу баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Андижон бокс мактаби тарбиялануучиси Баҳодир Султонов 54 кг. вазн тоифасида бош соврин соҳиби бўлди. Жиззахлик А.Умаров (62 кг.) кумуш, У.Соипов (67 кг.) ва фарғоналик А.Раҳмонов (91кг.)лар бронза медаллари билан тақдирланишди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

«МИРОБОД БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамиятининг бошқаруви

шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши қарорига мувофиқ, жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматига

нисбатан **46,2** *фоиз тўланади.*

Акциядорлар **2002 йил 15 апрелдан** *бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:*

Миробод тумани, Нукус кўчаси, «Миробод бозори» ОАЖ

Америка Қўшма Штатлари 50 штат ва Колумбия округидан ташкил топган федератив давлат. Сиёсий тузумига кўра президентлик бошқарувидаги демократик республика. Пойтахти – Вашингтон. Ер майдони 9 363 123 кв.км. 274 миллиондан ортиқроқ аҳолига эга. Инглиз тили давлат тили ҳисобланади. Асосий сиёсий партиялар — Республикачилар ва Демократлар партияси. Парламент Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат. Ҳозир парламентда кўпчиликни Республикачилар ташкил этади. Келгуси парламент сайловлари 2002 йил ноябрда, президент сайлови 2004 йил ноябрда бўлиб ўтади.

Иқтисодиёти – эркин бозор иқтисоди. Ялпи ички маҳсулот 9 256,2 млрд. доллар; аҳоли жон бошига 34 106 доллар; йиллик ўсиш 4,2 %.

АҚШ

ТАРИХИ, ФАОЛИЯТИ,

АҚШ парламенти – Конгресс ўз ишини 1789 йилдан бошлади. 1787 йил Филадельфияда қабул қилинган мамлакат конституцияси унинг ваколатларини белгилаб берди ва қонунийлаштирди. Аввалига Конгресс 1789 йил 4 мартдан 1790 йил 12 августгача Нью-Йорк штатининг Нью-Йорк шаҳрида, 1790 йил 6 декабрдан 1799 йил 2 декабргача эса Пенсильвания штатининг Филадельфия шаҳрида қўним топди. 1800 йил 17 ноябрдан то ҳозирги кунга қадар Вашингтон шаҳрининг Конституция ва Мустақиллик шоҳ кўчалари оралиғида жойлашган машҳур Капитолия қароргоҳида фаолият юргизиб келмоқда. АҚШ парламентини оёққа турғазишда Мустақиллик Декларациясининг муаллифи, Американинг учинчи президенти Т. Жеферсон (1801-1809) томонидан ёзилган «Парламент амалиётидан қўлланма» дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

1787 йилда қабул қилинган мамлакат конституцияси 1-моддасининг 1-бандига асосан қонун чиқарувчи ҳокимият — Конгресс Сенат ва Вакиллар палатасидан ташкил топган.

Юқори палата — Сенат 100 нафар сенатордан иборат бўлиб, ҳар бир штатдан катта-кичиклигидан қатъи назар иккитадан вакил қабул қилинади. Мамлакат аҳолисининг 20 фоизини ташкил этувчи 25 та штат сенаторлари Сенатда 50 фоиз ўринни эгаллайди. Қонунга кўра, 35 ёшдан кам бўлмаган ва мамлакатда 9 йил муқим истиқомат қилаётган АҚШ фуқаролари сенатор бўлиб сайланишлари мумкин. Сенат 6 йил муддатга сайланади ва ҳар икки йилда сенаторларнинг учдан бир қисми янгиланиб турилади. Ҳар бир сенатор биттадан овозга эга.

Сенатдан фарқли ўлароқ, Вакиллар палатаси 435 депутатдан иборат бўлиб, ғоят қисқа — икки йил муддатгагина сайланадилар. 1960-1962 йилларда сайланган Вакиллар палатаси депутатлари сони 437 нафарга кўпайтирилган эди, бироқ кўп ўтмай мазкур амалиётдан воз кечилди ва вакилларнинг аввалги миқдори қайта жорий этилди. Вакиллар палатасига сайланиш ҳуқуқи 25 ёшга тўлган ва АҚШ ҳудудида 7 йил муқим яшаган ҳар бир фуқарога берилади. Палаталарнинг ҳар иккаласи умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ноябрь ойининг биринчи душанбасидан кейин келаётган сешанба кунида сайланади (1913 йил конституцияга киритилган 17-ўзгартиришдан сўнг Сенат ҳам шундай асосда сайланадиган бўлди).

Конгрессга биринчи сайловлар 1789 йили бўлиб ўтган эди. Ҳозирги кунга қадар 107 марта парламент сайловлари бўлган. Охирги 107-Конгресс 2000 йил ноябрда сайланиб, 2002 йил ноябрда янги сайланадиган парламент олдида ўз ваколатларидан халос бўлади.

Президент сайловлари каби парламент сайловлари ҳам амалда икки муҳолиф партия – республикачилар ва демократлар партияси орасида кечадиган кескин кураш билан характерланади. Биринчи (1789) ва иккинчи (1791) Конгресс сайловларида Федералистлар, Республикачилар, Демократлар ва Виглар партияси ҳам ўз номзодларини илгари сурган эдилар. Ҳатто, маълум вақт давомида (1801-1829) Республикачилар ва Демократлар иттифоқи ҳам ташкил топган эди. Айнан XIX асрнинг ўрталарида мамлакат ҳаётида икки асосий партия — Демократлар ва Республикачилар партияси асосий куч сифатида майдонда қолди.

Асосан, ҳар икки палатадаги ўринлар икки партия ўртасида унча катта бўлмаган фарқ билан бўлишиб олинади. Яъни, бир партиянинг қайсидир палатада мутлақ кўпчиликни ташкил этиш ҳолати амалиётда кам кузатилади. Лекин партиялардан бирининг кўпроқ ўрин эгаллаш ҳоллари ҳам учраб туради.

Ҳар икки палатада айни бир партиянинг ғалаба қозониши мухолиф партиянинг вакили сифатида сайланган президент учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. 1956 йил республикачи Д. Эйзенхауэр (1953-1960), 1980 ва 1984 йилларда Р. Рейган (1981-1988), 1990 йилда президент Ж. Буш (1989-1993) парламентда кўпчиликни ташкил этган демократлар билан «тил топишиш»га мажбур бўлган эдилар. 1972 йил иккинчи мандатга мамлакатнинг 37-президенти этиб сайланган республикачи Р. Никсон (1969-1974) эса Вакиллар палатасида ва Сенатда ҳам мутлақ кўпчиликни ташкил этиб қолган Демократлар партияси билан кескин муросасизлик туфайли таҳликали Уотергейт ишидан сўнг 1974 йил 8 августда истеъфо беришга мажбур бўлган эди.

АҚШ парламенти ҳаётида яна бир ҳодиса шуки, ғоят қисқа икки йил вақт ичида парламентда сиёсий кучлар таркиби тубдан ўзгариши ва президент Конгрессдаги ўз таянчидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. 1994 ва 1996 йилларда Демократлар партиясининг президенти Б.Клинтон (1993-1999) парламент таркибининг республикачилар фойдасига ўзгариши натижасида асосий сиёсий кўмакдан ажралиб қолган эди. Шундай ҳолат яна бир демократ Х. Труман (1945-1952) президент-

1 2 3

ларининг долзарб вазифаларидан бири — сиёсий соҳани эркинлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, жамоат ташкилотлари фаолияти самарадорлигига эришиш ишларига кўмаклашиш каби масалалар пленум муҳокамасида кенг ўрин эгаллади. Пленумда бу борада партиявий фаолликни ошириш юзасидан бир қатор аниқ вазифалар белгиланди. Пленумда туман ҳокими М.Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

ХДП **Қашқадарё вилоят кенгаши** ҳузуридаги «Сиёсат» ва «Истиқбол» клубларининг қўшма йиғилиши мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқини ўрганишга бағишланди. Мулоқотда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ёшлари иштирок этдилар. Машғулотда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, ёшларнинг самарали меҳнати орқали ўзини фаол иқтисодий ҳимоялаши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Учқўрғон туман партия кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумининг қарори асосида, «Андижон» ширкат хўжалиги ҳудудий партия ташкилоти негизида, Маънавият ва маърифат марказлари фаолиятига доир бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кўргазмали амалий семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП **Урганч туман кенгаши** ижроия бюроси мажлисида туман саноат касб-ҳунар коллежи бошланғич партия ташкилотининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» рисоласини ўрганиш тажрибаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Шунингдек, йиғилишда халқ депутатлари Урганч туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутат Б.Каримовнинг депутатлик фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

ХДП **Урганч шаҳар кенгашининг** ижроия бюроси йиғилишида 23- «Истиқлол» сайлов округидан шаҳар Кенгаши депутатлигига ХДПдан сайланган Р.Ботировнинг ахбороти тингланди. Мажлисда депутатнинг ўз масъулиятини теран ҳис этиб, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш устида астойдил ишлаётганлиги қайд қилинди. Депутат мунтазам равишда ўз сайловчилари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини давлат идоралари ҳамда нодавлат нотиҗорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳал этаётганлиги алоҳида таъкидланди.

НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

ХДП **Беруний туман кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимлари, туман агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда, энг намунали оилалар беллашувини ўтказди.

Унда ўндан ортиқ намунали оилалар пазандалик, бичиш-тикиш, миллий урф-одатларни билиш, санъатга қизиқиш соҳаларидаги ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, оилада бола тарбияси мавзуси беллашувнинг асосий мезони бўлди.

ХДП **Андижон шаҳар кенгаши,** «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Мирпўстин», «Навбаҳор», «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинларида партия аъзолари ва партиясиз фаоллар иштирокида умумхалқ «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилишлар ўтказди.

ХДП **Норин туман кенгаши** қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда «Ассалом, баҳор!» деб номланган, тадбир ўтказди. Партия фаоллари, «бир пиёла чой» устида, баҳорга тайёргарлик ишлари, Наврўз байрами режаларини муҳокама этиш учун тўпландилар. Шу куни тумандаги энг кекса отахон ва онахонлар хонадонларига йўқловлар юборилди.

Мазкур тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан ўтган «Ассалом, деҳқон баҳори!» мавзуидаги, тадбирда кексаларнинг деҳқончиликка доир маслаҳатлашуви бўлиб ўтди. Унда бебаҳо бойлигимиз — ер, сув неъматларидан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка оид тажрибалари билан ўртоқлашилди. Дастурхон атрофида ўтган суҳбатни ташкил этишда хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлик қилди.

ХДП **Косонсой туман кенгаши,** туман тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда, «Ташаббус-2002» тадбиркорлар танловини ўтказишга бош-қош бўлди. Танловда иштирок этган тадбиркорларнинг аксарияти ХДП аъзолари эканлиги эътиборлидир. Танлов ғолибларига ХДП Косонсой туман кенгаши биринчи котиби Қ.Носиров фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширди.

ХДП **Юнусобод туман кенгаши** «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти талабалари ўртасида «Ёшлар тарбиясида аждодлар мероси» мавзуида мулоқот ўтказди. Унда ХДП Юнусобод туман кенгаши биринчи котиби У.Шойимқулов ва тарихчи олим Э.Қодиров мулоқот мавзуида маъруза қилдилар, талабаларни қизиқтирган кўпгина саволларга тўлақонли жавоб бердилар.

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Зангиота туманида бўлган Тошкент вилоят партия фаолларининг йиғилишида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг 2001 йил 15 январдаги «ХДП ташкилотларининг мамлакат Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида»ги қарорининг бажарилиши борасида маъруза қилди.

Шунингдек, Зангиота туман партия кенгаши биринчи котиби Д. Тошмедованинг терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича туман партия кенгаши олиб бораётган иш услублари ҳақидаги ахбороти тингланди. Зангиота туман ҳокимининг ўринбосари, туман партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Т. Файзиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлимининг раиси Р. Қосимов, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби К. Тошев, Бекобод шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Б. Содиқовлар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Фаоллар йиғилишида халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари ва партия вакиллари иштирок этишди.

Кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Конституциянинг 10 йиллигига бағишланган «Қонунга итоат — ҳаётий зарурат» шиори остида вилоят кўрик-танловини ўтказишни режага киритдилар.

«ШАРҚ ГУЛИ» ЖИЛОЛАРИ

Суратда: каштачилар (чапдан) Машҳура Исроилова, Малоҳат Рашидова ва Дилбар Саъдиева маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Пойтахтдаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятнинг чевар қизлари Наврўзни интиқлик билан қаршиламоқда.

Бу ерда чойшаб, палак, сўзана, тўн, келинлар либослари каби 30 дан ортиқ миллий каштачилик буюмлари тикилади. Жамоа бу йил 68 миллион 197 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашни режалаштирган. Маҳсулотга талабнинг ортиб бораётгани эса қадриятларимизга эътибор тимсолидир. Шу боис тайёрланган миллий буюмлар республикамиз барча вилоятларида севиб харид қилинмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС VIII СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ЯНГИЛАНИШ ОРҚАЛИ ЮКСАЛИШ САРИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА АСОСЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДА СИНОВДАН ЎТГАН ЗАМОНАВИЙ ВА МУКАММАЛ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ

27 январь куни мамлакатимизда референдумнинг муваффақиятли ўтгани қонун чиқарувчи ҳокимиятни такомиллаштириш ва Президентлик бошқарувини янги поғонага кўтариш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар тугалланди, барча масалалар ечимини топди, деган гап эмас. Бу жараён давом этяпти, юксалиш сари қадам ташланяпти.

Икки палатали парламент тузишдан кўзда тутилаётган мақсад ва муддаоларни Президентимиз ўзининг бир қатор маъруза ва нутқларида, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатларида батафсил баён қилиб берганлар.

Хусусан, Юртбошимиз Олий Мажлиснинг ўтган йили декабрь ойидаги сессиясида ушбу мавзуга тўхталиб, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар келгусида қонунларни шу соҳанинг етук мутахассислари тайёрлаши лозимлигини, бунинг учун эса профессионал парламент зарурлигини, гап мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органини шаклан ўзгартириш ҳақидагина эмас, балки моҳиятан такомиллаштириш, тараққий этган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ташкил этиш ҳақида кетаётганини уқтириб ўтдилар.

Дарҳақиқат, икки палатали парламент қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий ва мукаммал воситаларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар томонидан сайланган депутатлар қуйи палатага жам бўлиб, доимий ишлаб, фақат янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, замон талабларидан ортда қолаётган қонунларни такомиллаштириш билан шуғулланса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан сайланган, асосий иш жойидан ажралмаган, яъни қайноқ ҳаётнинг ичида, халқнинг орасида бўлган вакиллардан иборат юқори палата эса ушбу қонунлар лойиҳаларига ўзларининг бой тажрибаси ва давр талаблари нуқтаи назаридан ёндошиб, уларнинг пишиқ-пухта тарзда қабул қилинишини таъминлайдилар.

Модомики шундай экан икки палатали парламент истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ тузсак бўлмасмиди, деган ҳақли савол ҳам бўлиши табиий. Гап шундаки, шўролар тузуми даврида юртимизда аниқ ва ижтимоий фанларни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуддек эди. Минглаб ўғил-қизлар мактаблар, техникумлар, ҳунар билим юртларида, ўнлаб олий ўқув юртларида таҳсил кўрар, илмий унвонлари қулоч-қулоч бўлган кўплаб олимлар илмий-тадқиқот даргоҳларида изланишлар билан машғул, халқ ялпи саводхон эди. Олий маълумотли ўқитувчилар, тиббиёт, қишлоқ хўжалик соҳаларининг мутахассислари, иқтисодчилар, ҳисобчилар, турли йўналишдаги муҳандисларнинг саноғига етиб бўлмасди.

Аммо... Хурриятга эришганимиздан сўнг маълум бўлдики, хилма-хил мутахассисликлар эгаларининг аксарият қисми фақат мустабид тузумнинг корига ярайдиган, унинг ғоя ва мақсадларига итоат билан хизмат қиладиган, миллий туйғудан, миллий тафаккурдан маҳрум, ўртамиёна шахслар этиб тарбияланган экан.

Ҳолбуки, озод Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш учун қалбида миллатнинг муҳаббати, дардиташвиши, буюк истиқболига ишонч туйғуси қон каби оқиб турган минг-минглаб турли соҳаларнинг юксак малакали, етук мутахассислари сув билан ҳаводек зарур эди. Энг биринчи навбатда ёш давлатнинг ҳуқуқий асосини яратадиган қонун ижодкорлари — ҳуқуқшунослар, моддий тараққиётнинг назарий асосини ва устувор йўналишларини белгилайдиган иқтисодчилар, миллий хазинасини барпо этадиган банк ходимлари, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли, дўстона муносабатларини шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган дипломатларга эҳтиёж пайдо бўлди.

Шунинг учун ҳам миллий истиқлолимизнинг дастлабки йилларида бу борадаги жамики масъулият мамлакатнинг биринчи Президенти зиммасига тушди. Ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаган мустақил давлат ва жамиятнинг биринчи назариётчиси, «ўзбек модели» номи билан машҳур бўлган иқтисодий ривожланиш дастурининг асосчиси ва муаллифи, дунё давлатлари билан кўп томонлама алоқаларни ўрнатган, мустаҳкамлаган, Ўзбекистонни жаҳонга танитган ва нуфузини оширган биринчи дипломат, Конституциямизнинг ва ўнлаб муҳим қонунларнинг яратилишига бевосита раҳбарлик қилган биринчи ҳуқуқшунос Юртбошимизнинг айнан ўзлари эканлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Тарихий вазият давлат раҳбари зиммасига барча соҳаларнинг бош ислоҳотчиси бўлишдек мураккаб ва оғир вазифани юклади. Пухта ўйланган, миллий тажрибалардан келиб чиққан, халқнинг руҳияти ва интилишларига мос, айни пайтда жаҳон андозаларига мувофиқ келадиган янгиланишлар эса жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши шарт эди. Уларни амалга оширадиган кишиларни тарбиялаш учун эса таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга, энг тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан ижодий фойдаланишга тўғри келди.

Айни пайтда олий ўқув юртлари тайёрлаб берадиган, хорижда таҳсил олиб қайтадиган, янги тузумнинг юкини кўтаришга қодир ёш ва билимдон мутахассисларнинг вояга етишини кутиб ўтиришнинг вақти эмасди. Мустақилликнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий пойдеворини зудлик билан мустаҳкамлаш зарурияти мавжуд имкониятдан самарали фойдаланишни тақозо этди.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан олиб борилган изчил сиёсат ўзининг самарасини берди. Халқимизнинг онгида, тафаккурида, маънавий оламида туб янгиланишлар бўлди. Натижада ёш авлод қалбига миллий истиқлол ғояларини, она-Ватанига, халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдиришга қобил ва қодир ўқитувчилар, янги, ёш мустақил диёримизнинг халқаро нуфузини кўтаришга салоҳияти етадиган моҳир дипломатлар, ўз соҳасини чуқур эгаллаган ҳуқуқшунослар, иқтидорли иқтисодчилар, молия ва банк мутахассислари, журналистлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, адиблар ва санъаткорлар, файласуф ва психологлар, муҳандис ва меъморлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, тижоратчиларнинг бутун бир авлоди истиқлол йилларида камол топди. Уларнинг меҳнати туфайли Узбекистоннинг буйи-басти жаҳон саҳнида кўзга яққол ташланадиган саодатли кунларга етиб келдик.

Шу кунларга етиб келишнинг ўзи бўлгани йўқ. Жамият бошида кечган қийинчиликлар, мураккабликлар, сиёсий ўйинлар республика Олий Мажлисини ҳам четлаб ўтмади. Саксонинчи йилларнинг поёнида сайланган халқ депутатлари республика Олий Кенгаши маъмурий-буйруқбозлик тизими билан сохта демократиянинг «никоҳи»дан туғилган, таркибига кўра олақуроқ бир тузилма эди. «Қайта қуришнинг» алғов-далғов даврида халқнинг бошини ҳавойи ваъдалар, жарангдор шиорлар билан айлантириб, депутатлик мандатига эга бўлган баъзи кимсалар қонун чиқарувчи мўътабар даргоҳни нақ от бозорига айлантиришга уриндилар.

Ниҳоят, 1994 йил 25 декабрда биринчи бор кўппартиялилик ва муқобиллик асосида республика Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. Ўша пайтда 250 та депутатлик мандатини қўлга киритиш учун жами 634 та, жумладан 139 та сайлов округида 3 тадан, 106 округда 2 тадан номзод курашган бўлса, 1999 йилги сайловларда номзодларнинг сони 1,5 мингдан ошди, яъни ҳар бир округдан ўртача 6 тадан номзод кўрсатилди, аҳолининг ишончи ва ҳурматига сазовор бўлган муносиб кишилар мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органига вакил этиб сайланди.

Ўтган давр ичида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи органи ҳар томонлама такомиллашиб, юксак поғонага кўтарилди. Ташкилий уюшқоқлик ва ишчанлик вазияти вужудга келди, натижада жаҳон андозаларига, ҳуқуқий демократик давлатнинг хусусиятига мос, ислоҳотларнинг самарасига ва юртнинг истиқболига хизмат қиладиган мукаммал қонун ҳужжатлари тайёрланаётир ва қабул қилинаётир. Бу борада етарли даражада тажриба орттирилди. Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг, сиёсий партиялар фракцияларининг, жами депутатларнинг фаоллиги юксалди, давлат ва жамият олдидаги масъулият ҳисси ошди.

Инсон зоти доимо мукаммалликка интилади, шунинг учун ҳам изланиш, интилиш, ташаббус билан яшайди. Бу хусусиятлар бевосита жамиятга ҳам тааллуқлидир.

Давлат ва жамият уйғун ҳолатда тараққий этиши, энг аввало, унинг қонуний асоси мустаҳкам бўлиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ ривожланиш стратегиясининг бош йўналишларидан бири этиб қонун устуворлигини таъминлаш танлангани бежиз эмасди. Қонун устуворлиги таъминланиши учун эса қонунларнинг ўзи мукаммал бўлиши шарт. Қонунларни яратувчилар эса билимдон, доно ва зукко бўлиши даркор.

Ўтган референдумга қўйилган масаланинг теранлиги ҳам ана шу фикрлар билан далилланади. Дарҳақиқат, гап республика парламентини фақатгина шаклан янгилаш ҳақида бораётгани йўқ, балки мазмунан ҳам мукаммаллаштириш ҳақида бораётир.

Мухтасар қилиб айтганда, ватандошларимизнинг хоҳиш-иродаси билан парламент яратилади, янгиланади ва бу янгиланишларнинг шарофатидан, фақат бугунги эмас, келажак авлодлар ҳам баҳраманд бўладилар.

■ **Бахтиёр РИЗО**

ЖАҲОН АНДОЗАСИ ВА ТАЖРИБАСИ

ПАРЛАМЕНТИ:

ВАКОЛАТ ДОИРАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

лигида ҳам рўй берганлиги қайд этилган. Лекин, Конгреос палаталарининг ҳар бирида қандай сиёсий таркиб ташкил топмасин, палаталар қонунчилик ҳокимиятини тенг асосда ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширадилар. Қонун лойиҳалари ҳар икки палатада навбатма-навбат ёки айни бир пайтда кўриб чиқилади.

Ҳар икки палата аъзолари қонунчилик ташаббусига эга. Шу билан бирга кўпгина қонун лойиҳалари президент маъмурияти томонидан ҳам тайёрланади. Бу лойиҳаларнинг қабул қилиниши учун президент парламент билан «дўстона» алоқада бўлиши керак. Шу билан бирга, президент ҳам парламентнинг қонунчилик фаолиятига ўзининг вето (рад этиш) ҳуқуқи билан таъсир ўтказа олади. «Кечиктириш» ёки «пайсалга солиш» деб аталадиган мазкур механизмга кўра Конгресс томонидан қабул қилинган қонун матни президент томонидан имзоланмайди ва қайта кўриб чиқиш учун Сенатга ёки Вакиллар палатасига қайтарилади. Агар Конгресснинг ҳар икки палатаси учдан икки қисм — малакали кўпчилик овоз билан қонун лойиҳасини қабул қилсагина (бундай ҳолат Америка ҳаётида жуда кам учрайди) президент томонидан рад этилган қонун матни қабул қилинган ҳисобланади, акс ҳолда унинг тақдири яна президентга боғлиқ бўлиб қолади. АҚШ президентларидан Ф.Д. Рузвельт (1933-1945) 631 марта, Х. Труман (1945-1953) 250 марта, Д. Эйзенхауэр (1953-1961) 181 марта вето ҳуқуқидан фойдаланган. Р. Хардинг (1921-1924) атиги 6 марта, У. Клинтон эса (1993-1999) 19 марта ўз ветосини ишга солган.

Айни пайтда Конгресс ҳам президент ҳокимиятига таъсир эта олади. Бу жиҳат унинг назорат қилиш ҳуқуқи доирасида амалга ошади. Чунончи, президент томонидан тузилган муҳим халқаро шартномалар амалга кириши учун Сенат томонидан ратификация қилинмоғи шарт. Баъзан бундай шартномалар Сенат томонидан бекор қилиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолат 1937, 1947, 1995 йиллар қайд этилган эди. Чунончи, Версаль шартномаси ҳам Сенат қаршилигига учраган ва ратификация қилинмаган. Бундан ташқари энг муҳим мансабдор шахслар, Олий суд судьялари, элчилар президент томонидан тайинлангач, Сенат тасдиғидан ўтиши лозим. Шунингдек, президентнинг уруш эълон қилиш ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш ҳуқуқи тамомила Конгресс назорати остидадир.

5

Ниҳоят, импичмент (президент истеъфосини талаб қилиш) ҳуқуқи Вакиллар палатаси тақдимоти билан Сенат орқали амалга оширилади.

АҚШ Конгрессида палаталар орасида ваколатларнинг тугал ва аниқ тақсимоти йўқ.

1787 йил 17 сентябрда қабул қилинган АҚШ конституциясининг 8-бўлими Конгресснинг умумий ваколатларини санаб ўтади. Бунда ҳар икки палата тенг ҳуқуқ ва мавқега эгадек кўринади. Бироқ, 1-модда, 7-бўлимнинг 1-бандига асосан «Даромадлар тушуми бўйича барча қонун лойиҳалари фақатгина вакиллар палатасидан чиқади, лекин Сенат қўшимча ва тузатишлар киритишни таклиф этиши ва уларни киритиш бўйича музокаралар олиб бориши мумкин».

Палаталар январдан ноябргача давом этадиган (ёз таътилини ҳисобга олмаганда) сессияларда иш кўрадилар. Парламентнинг Вакиллар палатаси фаолиятини юритишда Speaker – раснинг роли каттадир. Янги сайланган палата энг аввало ўз ишини Speaker сайлашдан бошлайди. У парламент дебатлари (баҳсларини), сўз бериш навбати ва регламентини бошқаради.

Сенат одатда вице-президент томонидан бошқарилади. Олдиндан кўзда тутилмаган парламент дебатлари вақтинча сайланган раис томонидан олиб борилиши мумкин. Ҳар бир сенатор хоҳлаганча сўз олиши ва имкони етгунича гапириши мумкин, улар учун вақт чекланмаган.

Бугунги кунда АҚШ парламенти 435 нафар депутат вакил, 100 сенатор ва тахминан 30000 хизматчидан иборат йирик тармоқлашган ва ихтисослашган институтдир. 10000 дан зиёд сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчилардан иборат етук мутахассислар депутат ва сенаторларга ассистент-ёрдамчи сифатида меҳнат қиладилар. Шу кунга қадар Конгресс 26 та конституциявий ўзгартириш, 10 мингдан зиёд қонун ҳужжатларини қабул қилди ва ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Бу қонунчилик ҳокимиятининг мукаммал тизими вужудга келганлигидан дарак беради. Қолаверса, АҚШ парламенти 213 йиллик узоқ тарихий тажрибага эга. Бу давр мобайнида Америка парламентаризмининг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари ва механизмлари шаклланди. Шундай экан, АҚШ парламенти тажрибаларида парламент ислоҳотлари учун намунавий жиҳатлар йўқ эмас. Зеро, жаҳоннинг энг яхши намуналари учун ислоҳотлар дарвозаси ҳамиша очиқдир.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
сиёсий шарҳловчи

6

«САҒБОН-НОН»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Акциядорларнинг навбатдаги мажлиси 2002 йил 20 апрель соат 10⁰⁰да, Сағбон кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Кун тартиби:

- *«Сағбон-нон» ОАЖнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан жамият раисининг ҳисоботи.*
- *Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳамда 2001 йил балансини ёпишни тасдиқлаш.*
- *Корхонанинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик текширувини тасдиқлаш, 2002 йил учун аудиторни тайинлаш ва аудиторлик хизмат ҳақини 120000 сўм атрофида тайинлаш.*
- *Дивиденд берилиш миқдорини тасдиқлаш.*
- *2002 йил учун бизнес планини тасдиқлаш.*

«Сағбон-нон» ОАЖнинг 2001 йилги баланси:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошида	Ҳисобот даври охирида	Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошида	Ҳисобот даври охирида
АКТИВ				ПАССИВ			
1. Узоқ муддатли активлар	110	105162	113094	1. Ўзлик маблағлар манбалари	390	125632	167835
2. Оборот активлари	300	55491	84930	2. Мажбуриятлар	540	35021	30189
Баланснинг активи бўйича жами (100+300)	310	160653	198024	Баланснинг пассиви бўйича жами	550	160653	198024

«Дуниё-Аудит» аудиторлик фирмаси

НАВРЎЗ

БАҲОРНИ СОҒИНАР БУ ИШҚТАЛАБ ДИЛ

Қийғос очилган хонанишин гуллар овутолмас кўнглимиз бугун. Деразадан ташқарини қуватиб интиқ новдаларни илитади соғинчларимиз.

Безавол фасллар ҳадя этганча осмонни тўлдириб қайтар турналар. Энди изғиринли бирор-бир кун ҳам кабир кўнглимизга келади малол. Баҳорни соғиндик, Наврўзни.

Шаҳарнинг олифта, мармар йўлаги тушини айтади йўловчиларга. Буғдойлари хелпиллаб турган ҳадсиз дала эмиш шу тун тушида.

Пушти, сафсар гул очмасам гар шу ҳамалда рози бўлгум кесишсинлар, дер қари чинор. Баҳорни соғиндим.

Қуёш имиллаб йиғар қишнинг кўрпасин, илиги узилган оёғин судраб. Майсаларнинг муздек кифтин силаркан: «Мен-да соғинганман баҳорни, — дейди. — Бўйсунаман табиатнинг мезонларига».

— Агар ўлмай Наврўзга етсам, қаршилайман юз бир баҳорни.

Бола-бақрасининг бағрида дилхуш, ҳаётга суқ билан боқади момо.

— Туғилибмидингиз, айни баҳорда?

— Кўсакка кирганда ғўзалар шиғил туғилгансан, дерди рахматли онам.

— Унда, ёзни кутинг, энажон, ёзни.

— Наврўзга илигим тўқ етса агар, у ёғи ё Раззоқ — дилга умид ёр. Шу кунги дуолар ижобат бўлар. Бунга шубҳаланманг, дея ожиза ёстиғин остидан бир китоб олар. Овозинг чиқариб ўқи-чи, дея узатади тўғнич эварасига.

Улуғ Берунийни тинглайди давра:

«Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар. Уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки замоннинг биринчи кунидир. Наврўз шарқ халқлари зижлари бўйича, ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтида Қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этади. Шунинг учун наврўз оламнинг бошланиши такомилига далил қилинади.

Айтишларича, шу куни худо ҳаракатсиз турган фалакларни айлантириб, тўхтаган ёритқичларни сайр эттириб юборган. У Қуёшни яратган, ниҳоят, у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган. Яна демишларки, шу куни худо қуйи оламни яратиб, Қаюмарсни унга подшо қилиб юборган ва наврўз унинг «жашни», яъни ҳайитидир».

— Бўрттириб ёзган-ов, ҳазратлари ҳам.

— Тинглашни ўрганинг, — панд берар момо.

Демак, еру кўкнинг, бору борлиқнинг томирида яшаётган умумий соғинч ҳиссида илоҳий бир бутунлик мавжуд экан-да. Қишда маҳкумлик ҳукмрон бўлса, ҳамалда умид куртак очади. Кун билан тун ўз тенглигини нишонлаган кун, самою ардун қайта жонланаётган даврлар жисмимиздаги тозариш, хазонрез туйғуларимизнинг ёриша бошлаши она табиатнинг бир бўлаги эканлигимизнинг намоёни эмасми? Демак, биз ўзимиз сезиб-сезмай, хў ўша таъқиқланган йилларда ҳам наврўзни ҳайит қилганмиз, ундан завқланганмиз. Наврўз қонимизни, миллатимизни тенглаштирди.

Бу шундай мукаррам кун. Фарзандталаб инсон — тиланг мард ўғлон, суқсурдай ҳурлиқо фозила қизлар. Рангпар юзларини ёстиққа босиб, пинҳон кўз ёш тўккан шифоталаблар, сиз астойдил кутинг, умид-ла кутинг, шундай соатлар бор аршнинг тоқида. «Наврўз кунида бир соат бор, шу соатда Фируз фалаки руҳларни, маҳлуқотларни яратишга ҳайдайди. У куннинг энг саодатли соати Қуёш соатларидир. Унинг тонггида ёруғлик имкон қадар яқинлашади».

Наврўз шу бугундан бошланди гўё, дея чуғурлашар даврадагилар. Шунчаки, еб-ичиб, ўйин-кулгула вақтни хушнуд ўтказмоқ бу — дилни чоғ этмас. Наврўз кексаларнинг дуосин олиб, беморлар кўнглини овутмак демак. Муҳаббат уруғин дилларга сочиб, меваси ўзингда термаклик демак.

Орзулар тўлишар, ҳапқирар юрак. Малол келар қишнинг дақиқалари Сунъийлашиб борар тувакдаги гул. Оҳ, гули соғинар бу ишқталаб дил. Сен уни келтиргин қанотларингда. Бардошим синама, Наврўзгинам, кел!

Кўксингга лой чаплаб йўйдилар ётга. Айтган алёларинг дўндириб додга. Юзин ўгирганда болам деганинг, бошинг олиб кетдинг қирларга, тоққа. Барибир йил бўйи йиғиб-терганинг мунис она бўлиб бизларга тутдинг. Ҳали ғўр-да дединг, бир куни келиб, содда ғўр ақлимиз тўлишин кутдинг.

Тантигина она, меҳнаткаш она, гина-кудуратдан бегона она. Сен суйиб сийлаган пешонамизга тамғалар босганда кўз очдик, мана. Тарбият қилдими авлодлар руҳи, ё азизлар суйган муаззам тупроқ. Ҳар нечук кўтарсак, кифтларимизни тўкила бошлади сочилган тупроқ. Гайбга дўнмай туриб Беруний, Сино оламни сўзлатди тириқлардан тирикроқ. Бугун биз кечаги «дармоед» эмас, бугун биз барчадан кўра суюкроқ. Кечагидан катта дастурхонимиз. Ҳали ҳам беминнат тузу нонимиз. Майли еб-ичсинлар, фақат тўйганда, сўктириб қўймаймиз энди шаънимиз. Сен-да бағрингни оч истиқлолимга, Наврўзим, чиқаман истиқболингга.

■ Қаноат БОЙХОН қизи

ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ, ПРЕДПРИЯТИЙ, ФИРМ И АССОЦИАЦИЙ!

Тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон Темир йўллари» объявляет тендерные торги на поставку шпал деревянных пропитанных тип 1А, 1 сорта, ГОСТ 78-89 количестве 50 000 штук.

По условиям участия и проведения тендера обращаться по адресу: 700060 г. Ташкент ул. Тараса-Шевченко, 7 ОАО «Темирйўлтаъмин».

Телефон — 138-83-98, факс — 54-96-02.

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента опубликования объявления в средствах массовой информации.

SIFAT LTD

«СИФАТ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ ЛОЙИҲА-ҚУРИЛИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Сифат» очиқ турдаги лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2002 йил 15 май куни соат 15.00 да жамият мажлислари залида бўлиб ўтади. Манзил: Миробод тумани, Нукус кўчаси, 85/1-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва аудиторнинг ҳисоботи.
3. Ўрни бўшаган Бошқарув, Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларининг ўрнини тўлдириш.
4. Жамиятнинг 2002 йил учун балансини тасдиқлаш.
5. 2002 йил Бизнес режасини тасдиқлаш.

Акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ЭЪЛОН

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

савдоларига қўйилган Андижон шаҳри Кўмакай қўрғонида жойлашган автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Гани Мавлонов кўчаси, 1 «А» манзилида жойлашган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти балансидаги 7-сонли ётоқхонанинг фойдаланилмай турган 1238,4 м² қисми, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/7 манзилида жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли ошхона биноси, ГАЗ-24-13 русумли, давлат рақами ТНА 12-13, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «Ўзбекистон» АЖга қарашли автомашина **ўтган савдоларда сотилди.**

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ – битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Омоннятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль ўйинда иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!

«ЎЗДЭУАВТО» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДИЛЕР КОРХОНАЛАРИ МАНЗИЛИ:

Вилоятлар	№	Дилер корхоналари	Корхонанинг юридик манзили
Қорақалпоғистон Республикаси	1	«Қорақалпоқ Автотеххизмат» АЖ	Нукус ш., Жанубий промзона
	2	«Арал Лада» АЖ	Нукус ш., Беруний кўч., 1
	3	«РАД и К» МЧЖ	Қорақалпоғистон, Тўрткўл ш., Ибрагимов кўч., 7
	4	«Фарҳод-Ж» ХФ	Қорақалпоғистон, Беруний ш., Кат кўчаси
Андижон	5	«Андижон Автотеххизмат» АЖ	Андижон ш., Ҳалқа кўч., 1
	6	«Шаҳрихон Лада» АЖ	Андижон ш., А.Темур шоҳ кўч., 18
	7	«Ахтар» ХИТФ	Андижон ш., Ҳалқа кўч., 1
	8	«Газмоланд» АЖ	Андижон вилояти, Ахтачи промзонаси, Проектная кўч., 23
	9	«Навбаҳор» супермаркети	Андижон вилояти, Асака ш., Бобур кўч., 10
	10	«Тадбиркор-6» ХК	Андижон вилояти Асака ш., Шаҳристон кўч., 64
	11	«Куйган-ЁР АТХ» ХК	Андижон вилояти, Куйган-ёр ш., Юсупов кўч., 5
	12	«Андижонсавдо» АК қошидаги БУМ	Андижон ш., Чўлпон шоҳ кўч., 10
	13	«Анзис» АЖ	Андижон вилояти, Асака ш., Фарғона кўч., 65
	14	«Чинор» ИТХФ	Андижон вилояти, Асака ш., С. Абидов кўч., 26
	15	«Олтин мерос» ХХЖ Андижон вилояти бўлими	Андижон ш., Навоий шоҳ кўч., 26
	16	«Асака савдоси» АЖ	Андижон вилояти, Асака ш., Навои кўч., 95
	17	«Ўзбегим сервис» АЖ	Шаҳрихон ш., Шаҳрихон шоҳ кўч., 16
	18	«Матлуботсавдо» АК	Андижон ш., Ш. Рашидов кўч., 24
	19	«Зийнат-Б» ХТИФ	Андижон ш., Ҳалқа кўч., 124
	20	Андижон ташқи савдо базаси	Андижон вилояти, Харабек қишлоғи.
	21	«Бобур» ХТК	Андижон ш., Бобур кўч., 116
	22	«Мадор» ишлаб чиқариш бошқармаси	Андижон ш., Мирпўстин кўч., 32
	23	«Хумоюн» ХТИФ	Андижон вилояти, Чек қишлоғи.
	24	«Гулшан» ХТИФ	Андижон вилояти, Асака йўли кўч., 1
	25	«Абдужалил»	Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Эшонхўжаев кўч., 17
	26	«Интер сервис» ХФ	Андижон вилояти, Хартум қишлоғи, Гузар кўч., 216 а
	27	«Шодлик-7» ХФ	Андижон ш., Ҳалқа кўч., 2
	28	«Престиж плюс» ХКФ	Андижон вилояти, Чинобод қ., Чинобод кўч., 1
	29	«Толзор» ХКК	Андижон ш., Саноат кўч., 241
	30	ТЦ Д.К. «Нигина»	Андижон ш., Буюк Турон кўч., 1.
	31	«Ал-Акмал» ХФ	Андижон ш., С.Жўра кўч., 41
Бухоро	32	«Бухоро Автотеххизмат» АЖ	Бухоро ш., Ғиждувон кўч., 69
	33	«АТХК-Сарипул» АЖ	Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Муртазоев ж/х
	34	«Техника-Сервис» АЖ	Ғиждувон ш., С. Ёдгоров кўч., 62
	35	«Ситора Лада» АЖ	Бухоро ш., Моҳи Ҳоса кўч., 22
	36	«Давлат» ХТИФ	Бухоро ш., Баржанов кўч., 33
	37	«Автокар» МЧЖ	Бухоро ш., Мирзо-Ғафур кўч., 22
	38	«Жасмина» ХТИФ	Бухоро ш., Когон шоссеси, 10
	39	«БИВМ» ХФ	Бухоро ш., Ғиждувон кўч., 8
	40	«Автотехтаъминот-таъмир» МЧЖ	Бухоро тумани, ш-х Чорбакир
	41	«Автошоп» ХТИК	Бухоро вилояти, Когон ш., Бухоро шоссеси кўч., 1.
	42	«Автострад» МЧЖ	Бухоро ш., М. Бурханов кўч., 2
Жиззах	43	«Жиззах Автотеххизмат» АЖ	Жиззах ш., «Большой Узбекский тракт», 115
	44	«Санзар Лада» АЖ	Жиззах ш., Р. Исаев кўч.
Қашқадарё	45	«Қашқадарё Автотеххизмат» АЖ	Қарши ш., Самарқанд шоссеси
Навоий	46	«Навоий Автотеххизмат» АЖ	Навоий ш., Амир Темур кўч., 2
	47	«Навоий Лада» АЖ	Навоий вилояти, Раҳимов ж/х, 7-бригада
Наманган	48	«Наманган Автотеххизмат» АЖ	Наманган вилояти, Марғилон кўч., 105
	49	«Наманган Лада» АЖ	Наманган ш., Айний кўч., 88
	50	«Тўрақўрғон» супермаркети	Нам.вилояти, Тўрақўрғон ш., Наманган кўч., 7
	51	«Наманган ДЭУ» МЧЖ	Наманган ш., Галаба кўч., 1
	52	«Паҳлавон» савдо тайёрлов базаси	Наманган ш., Галаба кўч., 41
	53	«Келажак-С» ХФ	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Қўқумбой қ., Наманган кўч., 63
	54	«Камолиддин» ХФ	Наманган вилояти, Поп ш., У.Юсупов кўч., 17
	55	«Чуст-Нексия сервис ЛТД» МЧЖ	Наманган вилояти, Чуст ш., Фаёзов кўч., 5
	56	«Зиёрат» ХФ	Наманган ш., Дўстлик шоҳ кўч., 9а
Самарқанд	57	«Самарқанд Автотеххизмат» АЖ	Самарқанд ш., Спитамен кўч., 157
Сурхондарё	58	«Сурхондарё Автотеххизмат» АЖ	Термиз ш., Омонов кўч., 2
	59	«Сурхон Лада» АЖ	Термиз ш., Ангор тумани, М. Азизов ж/х
Сирдарё	60	«Сирдарё Автотеххизмат» АЖ	Гулистон ш., Охунбобоев кўч., 169
	61	«Мирзо-Гулистон» МЧЖ	Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Гулистон кўч.
	62	«Янгиер Лада»	Янгиер ш., 37 квартал, БУТ
Тошкент шаҳри	63	«Ўзавтотеххизмат» АЖ	Тошкент ш., Олмалиқ халқаси, 1
	64	Тошкент худудий «Автотеххизмат» АЖ	Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шоҳ кўч., 118
	65	«Сергели Автотехсервис» АЖ	Тошкент ш., Массон кўч., 39
	66	«Ўзбек-Лада» АЖ	Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шоҳ кўч., 44
	67	«Тошкент-Лада» АЖ	Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шоҳ кўч., 27
	68	«Сергели» супермаркети	Тошкент ш., Сергели-8 даҳаси
	69	«Авто-Камолот» МЧЖ	Тошкент ш., С. Юсупов кўч., 2
	70	Мудофаа вазирлиги автобазаси	Тошкент ш., Паркент кўч., 323
	71	«Libinvest» ҚК	Тошкент ш., Қатортол кўч., 73
	72	«Агроавтосервис» МЧЖ	Тошкент ш., Жарқўрғон кўч., 43
Тошкент вилояти	73	«Тошкент вилояти Автотеххизмат» АЖ	Тошкент вилояти, Чиноз ш., Янги Чиноз кўч.,
	74	«Бобур-Мирзо» ХФ	Тош. вилояти Янгийўл ш., Тошкент кўч., 48
	75	«Элер» ХФ	Янгийўл ш., Тошкент шоҳкўч., 34
	76	«Белк» фирмаси	Тош. вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Галаботир с., 151
	77	«Умид-г» ХК	г. Янгийўл ш., Наврўз даҳаси, Самарқанд кўч., 6
	78	«МАХ» ХТ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ибрагимова кўч., 29
Фарғона	79	«Фарғона Автотеххизмат» АЖ	Марғилон ш., Саккокий кўч., 9
	80	«Қўқон Автотеххизмат» АЖ	Қўқон ш., Аҳиллик кўч., 2
	81	«Фарғона Лада» АЖ	Фарғона ш., Бўстон кўч., 3
	82	«ЎзДЭУ – Фарғона» МЧЖ	Фарғона ш., Камилов кўч., 3.
	83	«Ботир» КК	Фарғона ш., Қосимов кўч., 49
	84	«Ниҳол» ЖМ	Қўқон ш., Истиқлол кўч., 28
	85	«Умаршо» ХФ	Қўқон ш., Истанбул кўч., 62
	86	«Жаҳонаро» ХФ	Қўқон ш., Навоий кўч., 181
	87	«Фарғонасавдо» Акциядорлик компанияси	Фарғона ш., Қосимов кўч., 22
	88	«Хўжалик моллари» ТИФ	Қўқон ш., Фурқат кўч., 100
	89	«Саёҳатчи» ХТИФ	Қўқон ш., Фурқат кўч., 78 а
	90	«Ал-Қўқон» ХК	Қўқон ш., Шоҳрухобод кўч., 27
	91	«Қўқон-Баққоллик» МЧЖ	Фарғона вилояти, Қўқон ш., «Халқ Сўзи» кўч., 16
	92	«Бадр» ЖК	Фарғона вилояти, Учкўприк қишлоғи
	93	«Автосалтанат» ХФ	Марғилон ш., Мустақиллик кўч., 307
	94	«Шавкат» ХТИФ	Қўқон ш., М. Қаҳҳоров кўч., 3а
	95	«Санжар-СС» ХФ	Фарғона ш., Бўстон кўч., 3
	96	«Шодлик-СМ» фирмаси	Қўқон ш., Фаробий кўч., 19
Хоразм	97	«Хоразмавтотех-хизмат» АЖ	Урганч ш., Промышленная кўч., 24
	98	«Аму Лада» АЖ	Хива ш., Обводная кўч., 1

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.50

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA